Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
25 март
ЧОРШАНБА
№ 23 (12763)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Қишлоқ мулкдорлари

ЎЗЛАРИ ЕТИШТИРИБ, ЎЗЛАРИ САҚЛАШАДИ

Бахромали мевачилик ва узумчиликда нималарга эришган бўлса, ҳаммаси падари бузруквори шарофати билан. Курбонали ота Паркент томонларда ўттиз йил боғбонлик қилган. Бахромали ҳам шунча йил отасининг этагидан тутиб, боғ ва токзор кезган. Мана энди туманда энг кўп ва сара мева ҳамда узум етиштирувчи тажрибали фермерлардан бири.

2006 йилда Бахромали Юсуфалиев отасининг далдаси билан фермер бўлишга жазм этди. Ўшанда унга бор-йўғи 7 гектар ер беришди. Икки йил ўтмай, янги фермер ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиб, туман раҳбарлари ишончига кирди. Шу тариқа 2008 йилдаёқ боғ ва токзорлари уч баравар кенгайиб, 20,7 гектарга етди.

Аввал бошданоқ фермер мева ва узумнинг сара навларини етиштиришга одатланган. Чунончи, 8,7 гектар боғда олма, шафтоли, нок ва олхўрининг беш хилгача нави бор. 6,2 гектар токзорда эса, асосан Ризамат ота, қора кишмиш, тоифи, баянширин, кабарни каби узум навлари парвариш қилинади. 2014 йилда хўжалик 75 тонна мева ва 80 тонна узум етиштириб, асосан "Элга хизмат" ярмаркаларини таъминлади.

Дарвоқе, фермер яна бир ишни пухта қилган. Хўжаликнинг икки гектарли кўчатхонаси бор. Асосан ўзлари учун сара кўчат етиштиришади, шунингдек талабгорларга ҳам сотиб, қўшимча даромад олишади. Хусусан, ўтган мавсумда 10 минг туп мева, 50 минг туп ток кўчатлари етиштирилди.

2013 йилда Симферополь шаҳрида ўтказилган халқаро "Олтин шингил" кўргазма-танловида Ўзбекистондан беш фермер, жумладан, Бахромали ҳам иштирок этди. Фермерларимиз кўргазмада намойишга қўйган қора ва оқ кишмиш ҳамда Ҳасайни нав узумлар юқори баҳоланиб, биринчи ўринга муносиб кўрилди ва "Олтин шингил" кубоги топширилди.

– Барака ҳаракатда экани рост, – дейди Б. Юсуфалиев. – Фермерми, тадбиркорми, эришган натижасидан қаноатланиб қолмай, изланиш ва ҳаракатда давом этса, ишлари юришавераркан. 2014 йилнинг бошларида Американинг Калифорния штатида бўлиб, у ерлик ҳамкасблар билан тажриба алмашдим. Уйга ҳам қуруқ қайтмадим. Сўғдиёна, Самэр-Роял, Оутум-Роял, Кримсон Сидлесс, Флейм Сидлесс каби 8 хил узум, Брейбурн, Фужи, Глостер, Голден делишесс сингари 10 хил олма навларини олиб келдим. Буларнинг ҳаммаси пакана ва ярим пакана навлар бўлиб, тез ҳосилга киради, мўл мева ва узум беради. Масалан, Сўғдиёна навли токзорнинг ҳар гектаридан 40 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Хўжаликнинг муқим аъзолари 12 киши. Мавсумий ишлар палласида 30 нафаргача ёрдамчи кучлар ёлланади.

– Фермер хўжалигимизни "Гулбоғ Бурхон" деб атаганимиз бежиз эмас, – дейди фермер. – Ўғлим Бурхон ёш бўлишига қарамай, ёнимга кирган. Боғ ва токзорлар сир-синоатидан яхши хабардор. Мен отамнинг изларидан борганимдек, у ҳам келгусида фермерликни давом эттиради. Қолаверса, яхши ниятларимиз бор. Масалан, шу йилнинг охиригача 150 тонна мева ва узум сақланадиган совуқхона қурмоқчимиз. Мақсадимиз – маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириб, маълум қисмини қиш ойлари савдога чиқариш учун ғамлаб қўйиш. У ёғини вақт кўрсатади.

Фермернинг охирги гапини ўзимизча тушундик. Вақт кўрсатади деганда, ўзлари етиштирган мева ва узумни келгусида қайта ишлашга ҳам қўл уришни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
Даврон АҲМЕДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

Маънавият

ИНТЕРНЕТ ВА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

Муҳим мавзуда мақола ёзиш мақсадида маълумотларни кўздан кечираётгандим, ҳамкасбим кириб қолди.

– Кўрдингизми, – деди у.

– Нимани? – ҳайрон бўлдим.

– Интернетда тарқаб кетибди-ку, мана, – деб қўл телефонини узатди. Суратни кўриб, қотиб қолдим. Таниқли бир журналистнинг ваҳшиёна ўлдирилгани акс этганди унда...

Таажжуб, инсон ҳаётдан кўз юмса-ю, унинг аянчли аҳволи, фожиали ўлимини миллионлаб одам томоша қилса... Қонга беланган жасадни суратга олиб, интернетга жойлаштиришдан кимга, нима наф?.. Ахир бу марҳумга ҳурматсизлик эмасми? Интернет инсоннинг шахсий ҳаётини, яхши-ёмон кунини акс эттиришга хизмат қилиши тўғрими?

Шу сабаб бўлдию, муҳим мавзудаги мақоламни интернетдан фойдаланиш маданиятига бағишладим.

Интернетга тараққиёт маҳсули, дея таъриф берамиз. Бироқ, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Масалан, Альфред Нобель динамитни кончилар меҳнатини енгиллаштириш ниятида кашф қилган бўлсада, ядровий реакцияларнинг куч-қудрати инсониятга мусибат келтиргани ҳам бор гап.

Маълумотларга кўра, дунёда интернетдан фойдаланувчилар бугун салкам бир миллиард 734 миллионга етган. Бу рақам йил сайин ортиши табиий ҳол, албатта. Аммо, интернетдан ким, нима мақсадда фойдаланаяпти? Гап шунда-да.

– Интернетдан фойдаланувчиларни шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин, – дейди психолог Гулнора Нуриддинова. – Биринчи тоифадагилар касби тақозо этгани учун интернетга мурожаат қилишади. Бошқалар эса шунчаки вақт ўтказадилар. Энг ёмони, ўша "вақт ўтказиш" кишини алдам-қалдамлик, яъни фикрий қарамликка олиб келади. Бундан ташқари, интернетга муккасидан кетганларда хотира пасайиши кузатилади. Бир неча йиллар аввал ўқувчилар Бобур, Навоий, Жомий каби боболаримизнинг ғазалларини осонлик билан ёд олардилар. Бугун эса тўрт мисра рубоийни ёдлаш ҳам оғирлик қилаяпти, десак муболаға бўлмайди.

Айрим ғаразли кимсаларга интернет ўз ғояларини тарқатиш учун керак. Булар турли диний экстремистик гуруҳлардир. Улар тарафдорларини кўпайтириш, ўзларининг бузғунчи ғояларини тарғиб қилишда бу тизимдан кенг фойдаланадилар.

Манбаларда келтирилишича, ўн йил аввал диний оқимлар фаолиятини тарғиб қилишга қаратилган веб-сайтлар 20 та бўлса, бугунги кунда террорчиларнинг 7 мингдан зиёд сайтлари бор! Ачинарлиси, интернет мана шундай турли оқимларнинг мафкуравий таъсир ўтказиш қуролига айланиб бораяпти. Қолаверса, у зўравонлик, фаҳш, жиноятчилик кучайишига кенг замин яратмоқда.

Аниқланишича, интернет тармоғида ўз жонига қасд қилиш йўлларини кўрсатувчи 9 минг, шаҳвонийликни тарғиб қилувчи 4 мингдан зиёд сайтлар бўлса, 49 фоиз компьютер ўйинлари жангарилик, ёвузликка ўргатади. Булар: "Counter strike", "Butter field", "Call of duty", "Left four dead" ва ҳоказо ўйинлар. Шундан бўлса керак, айрим мамлакатларда ёшларнинг (вертуал) жўшқин оламга ғарқ бўлишлари оқибатида руҳий хасталикка чалинган, ўзгалару ўзларининг жонига қасд қилаётганлар кўпаймоқда.

Илмий сайтга кириб, қидирган маълумотларимни ўқирканман, экранда аллақандай реклама пайдо бўлди. Қизиқиб тугмачани босдим. Қарасам, танишув сайти экан. Суратларни бирма-бир кузата бошладим, тагида ўзига жуфт қидираётганлар ҳақида маълумотлар ҳам келтирилган экан. "Андрей Августов, ёшим 39 да, 25 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 170, сочи қора рангдаги аёллар қўнғироқ қилсин". Воажаб, 40 ни қоралаётган одам жуфти ҳалолни интернетдан қидирса... Ажабланарли томони шуки, бу сайтда ўзбек йигит-қизларининг суратлари ҳам бор. Улар ҳеч бир уялишу тортинишсиз ўзларининг талаб-истакларини ёзганлар. Ахир бу, бизнинг менталитетимизга мутлақо тўғри келмайди-ку! Бундай ёт мафкуралар ёшларимиз онгини заҳарлаб, уларни одобахлоқ, шарм-ҳаё, ибо, ор-номус, андиша каби фазилатлардан мосуво қилмаяптими?

(Давоми 3-бетда).

Муқаддас бурч

Тошкент ҳарбий округидаги ҳарбий қисмлардан бирида аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда ҳарбийлар, уларнинг ота-оналари ва яқинлари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЭР КИШИ ВАТАН УЧУН ТУҒИЛАДИ

Тадбирда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани, ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида аскарлар учун барча зарур шароит яратилгани алоҳида таъкидланди.

– Бизнинг давримиздаги аскарлик билан ҳозирги муддатли ҳарбий хизмат ўртасида катта фарқ бор, – дейди наманганлик Р. Одилов. – Кўпчилик армия деса, бир қадам нари қочарди. Бугунчи, бугун?! Фарзандларимиз ҳарбий хизматга боришни шараф деб билади. Нега шундай? Шу ва бошқа саволларга набирам Достоннинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимида қатнашиб, аскарлар учун яратилган қулайликлар билан танишиб тўла жавоб олдим. Бундай шароитларда кимнинг ҳам хизмат қилгиси келмайди, дейсиз?!

– Фарзандимиз Тулусбекни февраль ойида муддатли ҳарбий хизматга катта хурсандчилик билан кузатиб қўйган эдик, – дейди Қашқадарё вилоятидан келган Муқаддам Тешаева. – Ахир, армия йигит кишига келажакда жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун мустаҳкам замин, ҳаётда учраши мумкин бўлган қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтиши учун эса беқиёс куч-қувват бағишлайди-да!

Ота-оналарнинг бу каби фикрларида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига, мард, жасур ўғлонларимизнинг ҳақиқий ҳаёт мактабига айлангани ўз ифодасини топган.

– Эр киши Ватан учун туғилади, дейишади. Бугун Ватанимиз мадҳияси, сафдош дўстларимнинг мардонавор оҳангдаги қасамёдини тинглар эканман, бу фикрнинг моҳиятини янада теран англадим, – дейди оддий аскар Тулусбек Шодиев. – Қалбимда аллақандай олижаноб туйғулар жўш урганде бўлди. Ўзимни ҳаммадан кучли ҳис этдим. Ҳарбий қасамёд қабул қилиш навбати менга келганида, кўзларим қасамёд матнига эмас, қаршимдаги кўк гумбаз устида оҳиста ҳилпираётган байроғимизга қадалди...

Тадбир якунида ҳарбий қисм аскарларининг жисмоний ва жанговар тайёргарлик бўйича намойиш этган кўргазмали чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири.

Бунёдкорлик

ХАЙРЛИ АМАЛЛАР ҚАНОТ ҚОҚМОҚДА

Вилоятимизда қирғоқларини шўх сойлар ювган, дарёлари тўлиб-тошган масканлар кўп. Улардан бири Оҳангарон туманидир.

Шу кунларда ям-яшил қир-адирлар, кокилдек таралган экинзорлар, гулга бурканган боғлар деҳқонбобо меҳнати шарофати билан янада серфайз, кўрган кўзни қувнатиб, дилни яйратади. Бундай гўзалликлар бунёдкорлари муносиб дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар яратаётган тадбиркорлар саъй-ҳаракатлари билан Наврўз айёмида очилган "Оҳангарон Марказий истироҳат боғи" шу маънода барчанинг кўнглидаги иш бўлди.

– Каттаю кичикка беқиёс шодлик бахш этган бу ажойиб мажмуа ўрни кўп йиллардан бери қаровсиз ётарди, – дейди нуронийлардан бири Ҳайдар ота. – Мана бу дарахтларни бир пайтлар ўзимиз экканмиз. "Инсон қўли гул" дейишади. Айниқса, болажонларнинг қувончини айтмайсизми? Барака топсин бу боғни яратганлар...

Ҳақиқатан ҳам, замонавий аттракционлар – мотодор, батут, карусель, чархпалак, арғимчоқ, чавандозлик ўйинлари, амфитеатр, китоб дўкони, канцелярия, озиқ-овқат, ошхона ва бошқа дўконлар "Гули лола" хусусий корхонаси раҳбари Акмал Комиловнинг тадбиркорлиги туфайли истироҳат боғига файз киритиб турибди. Кексаларни эъзозлаш йилидаги бу каби хайрли саъй-ҳаракатларни туман ҳокимлиги ҳам муносиб рағбатлантирмоқда. Истироҳат боғини янада кенгайтириш ҳақида таклиф ва тавсиялар берилди.

Сайёра ЭШМАТОВА.
Даврон АҲМАД олган сурат.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ЯХШИ ГАП ЖОН ОЗИҒИ

Тақдиримга ёруғ олам неъматларини ўз кўзларим билан кўришдан бенасиблик, ёлғизлик битилган экан. 30 йилдан буён Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасининг кўз касалликларини даволаш бўлими рўйхатида тураман. Лекин, мени ҳаёт учун курашиб яшашга ундаётган ғамхўрларим, меҳриборларим борлигига шукр қиламан. Уларнинг самимий нигоҳлари, ширин сўзларини қалб кўзи билан кўриб, сезгандек бўламан. Гўзалхоннинг (Бандликка кўмаклашиш маркази ходими Г. Иброҳимова) тез-тез келиб, хабар олиб туриши, жонкуярлиги, қўли енгил шифокорлар Лайло Шарипова, Баҳодир Ҳожиевнинг беминнат ёрдамлари билан қаддимни тутиб юришга, кимгадир кераклигимни ҳис этиб яшашга ҳаракат қилаяпман.

Кексаларни эъзозлаш йилининг бошиданоқ алоҳида меҳр, эътибор кўрсатаётган бағрикенг, меҳридарё инсонларга, тиббиёт ходимларига чин дилдан, самимий тилаклар билдириб, Наврўзи олам билан муборакбод этаман. Сизлардан бир умр миннатдорман, азизлар!

Шаҳодат БОСИТОВА,
I гуруҳ ногирони.

Ҳуқуқий дарсхона

ФУҚАРОЛИК ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қонунларни ижрочиларга етказиш ва ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини ўрганишни ва шу асосда қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий тамойилларни мустаҳкамлаш бугунги кунда долзарб вазифага айланиши зарурлигини таъкидладилар.

Бу ўринда ҳуқуқий билимларни оммалаштириш ва илғор ҳуқуқий амалиёт жамиятимизда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, қонунларга ҳурмат ва уларнинг устуворлигига асосланган ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳуқуқий билимлар қай даражада оммалашгани таълим муассасаларида мутахассис ҳуқуқшуносларни тайёрлаш, ўқув жараёни, илмий тадқиқотлар ва энг муҳими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ҳуқуқ-тарғиботнинг амалдаги мавқеи билан белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, соҳада эришилган ютуқлар билан бирга ҳуқуқий билимларнинг оммалашганлик даражаси ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жўшқинлигидан бироз орқада қолаётгани кузатилиб, ҳуқуқий билимлардан фойдаланишни яхшилаш талаб этилади. Жумладан, ариза ва мурожаатларни кўриб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, фуқаролик ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар ҳамда хўжалик низоларини ҳал қилиш ва моддий зиённи қоплаш жараёнида иштирокчиларнинг ҳуқуқий билимлардан фойдаланиш самараси кутилганидек эмас.

(Давоми 3-бетда).

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТДА ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛИШ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмоновнинг ишончли вакили Сирожиддин Аъзамов Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини умумэътироф этилган демократик тамойиллар, халқаро ва миллий сайлов қонунчилиги асосида ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Хусусан, ХДП вилоят кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ҳотамжон Кетмоновнинг ишончли вакили Сирожиддин Аъзамов аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги ва самарасини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП вилоят Кенгаши ходимлари, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлик гуруҳлари, "Фаол аёллар" ва "Истиқбол" ёшлар қаноти етакчилари, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда ОАВлари вакиллари иштирок этмоқда. Кўтаринки руҳда ўтаётган учрашувларда номзоднинг ишончли вакили Сирожиддин Аъзамов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг таржимаи ҳоли ҳамда унинг Сайловолди дастури билан иштирокчиларни батафсил таништирмоқда.

Таъкидланганидек, номзоднинг Сайловолди дастури Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсий устуворликларига асосланади, улар партиянинг доимий электорати, жумладан, давлат ва жамият томонидан ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд кишилар ва аҳолининг бошқа ҳимояга муҳтож гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларни ўзида умумлаштирган.

Ишончли вакил номзоднинг Сайловолди дастурида ижтимоий соҳа ривожига, иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий йўналтирилганлигига катта эътибор қаратилганлигини эътироф этди. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш юзасидан қатор таклифлар илгари сурилган. Жумладан, тиббиёт ва таълим тизимларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, аҳолига хизмат кўрсатишнинг замонавий йўналишлари, жумладан, компьютер технологиялари, ахборот-коммуникация ва транспорт, электрон тижорат ҳамда бошқа интерактив хизмат турларини жадал кенгайтириш, уларни жамиятнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш мамлакатни тараққий эттиришнинг мазкур босқичидаги муҳим стратегик вазифалари сифатида қайд этилган.

Учрашувда сўзга чиққанлар номзоднинг Сайловолди дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб шарт-шароит ва иш ҳақига эга доимий иш ўринлари яратиш истиқболда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги сиёсатини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўлиши кераклигини қайд этдилар. Бу жараёнда қишлоқ жойларда оилавий корхоналар ва касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этиш, ички ва ташқи сиёсатни изчил давом эттиришга номзоднинг Сайловолди дастурида алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди. Ёшларнинг, энг аввало, таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлиги масаласини изчил ҳал қилиш зарур. Коллежларга аниқ корхона ва иш берувчиларни бириктириш амалиёти, битирувчиларнинг бўлажак иш жойини аниқлашга, уларнинг амалиёт ўташи ва келгусида ишлашини таъминлашга хизмат қиладиган "корхона-коллеж" ҳамкорлигини мунтазам йўлга қўйишнинг истиқболли йўлларини излаб топиш ва жорий этиш лозим.

Шу муносабат билан давлат органларининг ҳар бир туман ва шаҳар бўйича колеж битирувчиларининг, биринчи навбатда, эгаллаган мутахассислиги бўйича бандлиги масаласини ечишга масъулият билан ёндашишини таъминлаш керак. Бунинг амалий йўналишларидан бири ногиронларнинг меҳнат фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратишдир.

Номзоднинг Сайловолди дастурида давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини юксалтиришни кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш орқали аҳолининг, аввалambор, қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари турмуш даражасини янада ошириш асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаб қўйилган. Дастурда бюджет маблағларининг, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, турли маҳсулот етказувчиларнинг ўзаро эркин рақобатлашишига имкон берадиган очиқ ва ошкора электрон савдолар имкониятларини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш масалаларининг илгари сурилгани сайловчилар эътиборини тортди.

Ишончли вакил сайловчиларни номзоднинг Сайловолди дастури билан таништирар экан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошкора ҳамда конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки амалиётини изчил ривожлантириш, электорат манфаатларига алоқадор бўлган жойлардаги долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифалар ечимига таъсир кўрсатиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида аҳолига ягона интерактив давлат хизматлари порталидан эркин фойдаланишни тақдим этувчи пунктлар тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш, ижтимоий шериклик институтини янада ривожлантиришни изчил таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Мунозаралар жараёнида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тамойилларини янада такомиллаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни тўлаш тизимини янада ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилди. Таъкидландики, ушбу масалада қабул қилинган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш, мазкур соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, шунингдек, жисмоний имконияти чекланган шахслар бандлигини таъминлаш мақсадида ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил қилиш ҳамда касаначиликни кенгайтириш муҳимдир.

Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакили иштирокчиларнинг барча саволларига мукаммал жавоб берди. Иштирокчилар эса номзоднинг сайловолди дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Ҳотамжон Кетмонов учун овоз беринг!

ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши матбуот хизмати.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланиши билан аҳамиятлидир. Шу боис ҳар бир сиёсий партия мамлакат қонунчилиги меъёрларига мувофиқ равишда сайлов кампаниясида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, вилоятимиз туман ва шаҳарларида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг ишончли вакили билан учрашувлар давом этмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовнинг ишончли вакили Тойирхон Мансуров учрашувларда сайловчиларни номзоднинг сайловолди дастури билан таништирмоқда. Сайловолди дастури ўзининг бир қатор жиҳатлари билан муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, унинг мазмуни ва асосий йўналишлари мустақил Ўзбекистонимизда амалга оширилиши лозим бўлган бугунги ва яқин келажакдаги вазифаларга тўла мос келади. Сайловолди дастурида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш ва юртимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Номзоднинг мамлакатимиз миллий манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш, халқимизнинг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини янада ошириш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хорижий давлатларда ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш каби долзарб вазифаларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилгани муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, номзоднинг Сайловолди дастурида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва халқаро йўналишларда номзод зиммасига олаётган вазифаларга миллий қадрият ва анъаналар ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилган. Таъкидлаш жоизки, номзоднинг Сайловолди дастурида миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, миллий ўзликни англаш, тарихни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Еттита устувор йўналишдан иборат бўлган Сайловолди дастурида мамлакатимизда замонавий ривожланган демократик жамиятни шакллантириш, Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом ахборот маконини яратиш ҳамда халқаро муносабатларда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Номзод илгари сураётган бош ва стратегик мақсад бу – миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдан иборатдир.

Сайловолди дастурида белгиланган ҳар бир мақсад ва вазифага мамлакатимиз миллий манфаатлари ҳамда халқимизнинг ўлмас қадриятларидан келиб чиқиб ёндашилган. Унда ривожланишнинг устувор йўналиши сифатида жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий асослари устуворлигини қарор топтириш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тарихий, маданий ва интеллектуал меросимиз, қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, ёш авлодни миллий тикланиш ғоясига ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Унда жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, судҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, иқтисодиётни, ахборот соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Хусусан, Ўзбекистон маданий ёдгорликлари, шаҳарларининг миллий қиёфасини сақлаб қолиш, бутун инсониятнинг тарихий-маданий мероси бўлган тарихий объектлар, архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш ва қайта таъмирлашга алоҳида аҳамият қаратилган.

Дастурда Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихи ҳамда нодир маданий-тарихий меросини тарғиб қилиш учун туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириш, шунингдек, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга урғу берилган. Жумладан, сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, улар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштириш, туризм индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш асосий вазифалар сифатида белгиланган.

ЎзМТДПнинг Ҳаракат дастурида миллий ҳунармандчилик соҳаларини рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш муҳим вазифалардан бири эканлиги бу соҳани янада ривожлантириш учун қандай ишларни амалга ошириш, ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада кучайтириш борасидаги таклифлари, ёшларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотдан муҳофаза қилиш чораларини кўриш, Тошкент вилоятида жуда кўп тарихий, экологик ва илмий туризмни ривожлантириш учун имкониятлар борлиги, ушбу туризм маҳсулотларини бозорга чиқариш масалалари, номзоднинг дастурида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш масаласини устувор деб кўйилишининг моҳияти, мамлакатимизда, айниқса унинг узоқ ва чекка қишлоқларида аҳолининг, ёш авлоднинг ўсиб бораётган маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишини ташкил этишга кўмаклашиш масалаларига алоҳида ўрин берилган.

2015 йил 29 март куни ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов учун овоз беринг!

ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Маънавият

ИНТЕРНЕТ ВА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

Халқаро экспертлар ер юзидаги 38 фоиз бола зўравонлик, 26 фоизи эса миллатчилик руҳидаги сайтларга мунтазам киришини тасдиқлашган. Бинобарин, мамлакатимиз қонунларида хусусан, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунда ёшлар орасида одобахлоқни бузишга, жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда эса баҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш ва фильмлар намойиш этиш тақиқланиши белгиланган. Шунга қарамай, интернет-кафелар фаолияти тундан тонгга уланаяпти. У ерда турли беҳаё видеоролик ва кинолар кўрилиши, қиморни эслатувчи масофавий ўйинлар ўйналаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган ҳозирги даврда "интернетдан фойдаланишни тақиқлаш лозим" деган фикрдан йироқмиз. Негаки, унинг афзалликлари ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Тўғрида, узоқдаги яқинларимиз билан зумда дийдорлашамиз, ер шарининг исталган нуқтасидаги янгиликлардан соғлиқда хабардор бўламиз. Бироқ, ахборотнинг қанчалик тўғрилигига келганда...

Президентимиз таъбири билан айтганда: "Интернет – бу катта дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак".

Табиийки, биз ёшларга: "Интернетдан уни ўқи, буни ўқима", дея олмаймиз. Уларни шундай тарбиялашимиз керакки, фақат ўзлари учун зарур ахборотларнигина олсинлар.

– Шифокорлар касалнинг олдини олиш учун энг аввало, одамда шу хасталикка қарши иммунитетни шакллантириш кераклигини таъкидлайдилар, – дейди ЎзМУ журналистика факультети интернет журналистикаси кафедраси катта ўқитувчиси Нозима Муродова. – Ёшлар интернетдан оқилона фойдаланишлари учун эса уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим. Яъни, ўқувчи ёки талаба маълумотни Uz. доменидаги веб-сайтлардан қидирсин. Зеро, бугунги кунда юртимизда 16 мингга яқин Uz. доменидаги веб-сайтлар бор. Уларнинг 200 дан ортиғи оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда миллий ахборот маконини шакллантириш ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим-ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида "Ziyo Net" жамоат ахборот-таълим тармоғи ташкил этилди. Тармоққа 25 мингдан зиёд маъруза матни, илмий иш, реферат ва ўқув дастурлари жойлаштирилган. Бундан ташқари, ўқув-дарслик, маданий-маърифий тадбир, спорт ҳамда қонунчиликка оид маълумотлар ҳам бор. Эътиборлиси, порталда республикамиздаги барча таълим муассасалари, спорт иншоотлари, музейлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, юлдузлар ҳаёти, танишув, ҳаёсизлик, зўравонлик ва тажовузкорликка ундовчи сайтлар ҳали шахс сифатида шаклланиб улгурмаган ёшларни маънан заифлаштираяпти. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур".

Бунинг учун эса, энг аввало фарзанд тарбиясида ота-оналар масъулиятини ошириш, шунингдек, маҳалла, таълим-тарбия муассасаларидаги назоратни кучайтириш керак. Қолаверса, интернет-кафелар фаолиятига маълум бир чекловлар қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шундагина, келажак авлод ўз мустақил фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши тура оладиган салоҳиятга эга бўлиб вояга етади.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна тўловлар ҳақида

ТАБИИЙ ГАЗНИНГ ҲИСОБИ БОР

Бугунги фаровон ҳаётимизни табиий газсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо газдан тежаб-тергаб фойдаланмаслик, ноқонуний уланиш ва ҳақини вақтида тўламаслик аҳолини узлуксиз газ билан таъминлашда муаммолар келтириб чиқармоқда. Истеъмолчилар билан туман (шаҳар) газ филиаллари ўртасида тузилган шартнома шартларини бажармаслик натижасида қарздорлик кўпайиб кетмоқда.

Қарздорликни камайтириш ва истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш учун Зангиота туманида аҳоли ва улгуржи истеъмолчилар дастурий маълумотлар базасида тўлиқ хатловдан ўтказилиб, 14 та йирик ҳудудга ажратилди. Истеъмолчилар ва филиал ишчи-ходимлари учун қулайлик яратиш мақсадида бўлинмаларга ҳудуд марказидан бинолар ажратилди. Бўлинма ҳудудига кириб келаётган табиий газ сарфини аниқ юритиш учун қувурларга замонавий электрон "СТГ БК" ва "Автопилот" русумли ҳисоблагичлар ўрнатилди. Улардан кунниг исталган вақтида маълумотлар олиб туриш учун ҳар бир газ ҳисоблагичга модем алоқаси ўрнатилди. Шу йўл билан ҳар бир газ ҳисоблагич автомат ҳисоблаш тизимига уланди. Бу газ сарфининг кундалик ва соатлик ҳажми ҳақида аниқ маълумот олиб туриш, филиал қабул қилиб олган газни бўлинмаларга тўғри тақсимлаш, газ етиб бормаётган ҳудудларни тез аниқлаш ва газ билан таъминлаш, газ йўқотишнинг олдини олиш имконини бермоқда. Синов тариқасида хонадонларга ҳам электрон ҳисоблагичлари ўрнатилмоқда.

2015 йил февраль ойидан туман ва шаҳардаги раҳбар ва масъул ходимларнинг лавозим йўриқномалари қайтадан кўриб чиқилиб, тасдиқланди ва уларнинг жавобгарлиги оширилди. Ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ татбиқ этилди.

Жумладан, улгуржи истеъмолчилар фойдаланган газ ҳажми, уларнинг қарзи, тарқатилган огоҳлантириш хатлари, газ тармоғидан узилган истеъмолчилар ва уларнинг қарзи тўғрисидаги маълумотларни олиш имконини берувчи "Фосса" шунингдек, "Биллинг-газ" дастурларида Зангиота туманининг маълумотлар базаси 14 та йирик ҳудудларга бўлинди. "Зангиотатумангаз" филиали маъмурий ва 14 та ҳудуд биноларида банк шахобчалари ташкил этилиб, истеъмолчилардан тўловлар асосан он-лайн тизимида қабул қилинмоқда.

Тумандаги 14 та йирик бўлинмага далолатнома орқали ойма-ой табиий газ етказиб берилмоқда. Ой якунида эгаси аниқланмаган табиий газ миқдорини аниқлаш чораларини кўрмаганлари учун йирик бўлинма (бригада) аъзолари ойлигидан компанияга етказилган зарарни қоплаш чоралари кўрилмоқда.

Шаҳар ва туман газ филиаллари, йирик аҳоли пунктлари бўлиниш чегараларига ўрнатилган 79 та газ ҳисоблагичларга модемлар ўрнатилиб, кўрсаткичларни он-лайн тартибида доимий назорат қилиш йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, табиий газдан унумли ва оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Хондамир ЛАТИПОВ,
"Ўздавнефтгаз-инспекция" вилоят ҳудудий бўлими бош мутахассиси.

Ҳуқуқий дарсхона

ФУҚАРОЛИК ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Фикримизча, ҳуқуқий билимларни оммалаштиришни кучайтириш мақсадида, биринчи навбатда, олий маълумотли ҳуқуқшуносларнинг тайёрловчи юридик таълим муассасаларининг соҳавий фаолиятини мувофиқлаштириш самарасини ошириш лозим. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд органлари ва юридик таълим муассасалари ўртасида ҳуқуқий билимларни оммалаштиришнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари бўйича ўзаро ахборот ва тажриба алмашинувини янада яхшилаш зарур.

Иккинчи омил ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд органлари ва ҳуқуқий таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлашдир. Маълумки, юқори малакали мутахассислар асосан пойтахтда тўпланган бўлиб, жойларда улар камчилик экани ҳуқуқий билимларни самарали оммалаштиришда номутаносибликларни келтириб чиқарган. Фақат марказдаги юридик соҳа кадрлари ҳисобига соҳани жадал ривожлантиришга эришиб бўлмайди, бинобарин, юқори малакали мутахассисларнинг жойларга кўпроқ чиқишини моддий ва маънавий рағбатлантириш лозим бўлади.

Бундан ташқари, ҳуқуқий билимларни оммалаштиришнинг янги услублари, Ватанимиз ва хорижий давлатлардаги энг илғор тажрибалар асосида уни доимий бойитиб боришнинг яхлит тизимини такомиллаштириш зарур. Бу эса соҳада ҳуқуқни қўллашнинг янгича амалиёти, услуб ва ғояларнинг вужудга келиш жараёнини тезлаштириш учун шарт-шароит ва имконият яратади.

Кейинги омил юридик адабиётларни нашр этишни кўпайтиришдир. Республикада юридик адабиётларни нашр этиш бўйича ягона стандартлар ишлаб чиқиш, уларни таҳрир қилиш ва нашр этишга масъул идорани аниқ белгилаб қўйиш вақти келган кўринади. Юридик адабиётларнинг ҳажми, баён этилиши, ўзлаштирилиши ва бошқа муҳим жиҳатлари аниқ белгилаб берилса, уларнинг сифати фақат муаллифнинг билим савиясига боғлиқ бўлиб қолиши каби камчиликлардан ҳоли бўлади.

Яна бир омил ҳуқуқий билимларни оммалаштириш илғор ахборот технологиялари билан таъминланганидир. Пойтахтда ҳуқуқий билимларни оммалаштириш билан шуғулланувчилар замонавий ахборот технологиялари билан яхши таъминлангани сабабли ўзимизда ва халқаро миқёсда содир бўлаётган соҳа ўзгаришларидан тез ва атрофлича хабардор бўлишмоқда. Ҳуқуқий билимларнинг ривожланиши, замонавий изланишлар олиб борилиши ва янгича мазмундаги юридик адабиётлар нашр этилиши асосан марказдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари ҳамда ўқув юртлари, масалан ТДЮУ ҳисобига амалга оширилаётган бўлиб, жойларда эса ҳуқуқий билимларни оммалаштиришда энг илғор замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни яхшилаш лозим.

Бундан ташқари, ҳуқуқий билимларни оммалаштиришнинг интерактив усулларини қўллаш, бунда интернет ва масофали ахборот бериш имкониятларидан самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий тарғибот фаолиятининг обрўсини кўтариш орқали унга қизиқишни кучайтирадиган, соҳада ижодкорлик ва ташаббусни қўллаб-қувватлайдиган, тарғиботчи ва тингловчи ўртасидаги ҳамкорликни яхшилайдиган тамойилларни ривожлантириш асосида ўзгартириш лозим бўлади.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси органлари ҳуқуқий билимларни оммалаштиришда муайян натижаларга эришмоқда. Ҳамкасбларимиз қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатларининг халқ ҳаётига, мамлакат сиёсий ва иқтисодий тараққиётига қандай ижобий таъсир кўрсатаётганини янги ҳуқуқий дастакларнинг моҳиятини очиб бериш орқали аҳолининг кенг қатламларига тарғиб қилишмоқда. Ўзбекистон Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари, биринчи навбатда, ҳуқуқий билимларни оммалаштириш, интернет ва масофали ахборот бериш имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали мунтазам ёритилмоқда.

Гулниҳол УМАРОВА,
вилоят адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта маслаҳатчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саломат бўлинг

ЛЯМБЛИОЗДАН САҚЛАНИНГ

Маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 8-10 фоизида лямблиоз паразитлар бўлиб, ёш болаларда кўпроқ учраши исботланган.

Одам ифлос қўл, ўйинчоқ, овқат ва сув орқали лямблия цисталарини юқтириб олади. Организмга 5-6 та циста тушиши лямблиоз учун етарли ҳисобланади.

Касалликнинг яширин даври 6-21 кун бўлади. Лямблиялар озиқа моддалари шимилиш ва ҳазм бўлиш жараёнини бузади. Айримларнинг фикрича, лямблиялар, айниқса, улар кўп бўлса, ичак шиллиқ пардасига таъсир қилади, яъни ёғлар ва ёғда эрийдиган витаминларнинг сўрилишини қийинлаштириши мумкин.

Бунда қоринда оғриқ пайдо бўлиши, ич бузилиши, иштаҳа пасайиши, баъзан ўнг қовурға остида ҳам оғриқ бўлиши кузатилади. Беморнинг кўнгли айниб, қайт қилади. Ёш болаларнинг ўсиши секинлашади. Баъзан мактаб ёшидаги болаларда тез-тез асабийлашиш, дарсларни ёмон ўзлаштириш ҳолатлари юз беради.

Беморга лямблиоз ташхиси қўйилса, албатта шифокор назорати остида муолажа олиши лозим.

Лямблиознинг олдини олиш учун хомлигича ейиладиган мева, сабзавот ва бошқа масалиқларни яхшилаб ювиб истеъмол қилиш, сувни қайнатиб ичиш, хонадонларда пашшаларни йўқотиш, овқатдан олдин ва ҳожатдан кейин қўлларни совунлаб ювиш, сув ҳавзаларида чўмилмаслик, фарзандларимизга ёшлигидан гигиена қоидаларига қатъий амал қилишини ўргатиб бориш, ҳожатхона ва умумий овқатланиш жойларининг санитария ҳолатига эътибор қаратиш керак.

Дилором АБДУАЛИМОВА,
вилоят ДСЭНМ врач паразитологи.
Икром БОБОЕВ,
Зангиота туман ДСЭНМ паразитология бўлими мудири.

Эгрилик ҳамиша панд беради

ФИРИБИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Шундай кимсалар борки, ўзларини ҳаммадан ақлли ҳисоблашади. Уларнинг назарида, қолганлар ғўлу, хоҳлаган пайтда лақиллатиб кетиш мумкин. Буни қарангки, Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи, муқаддам икки бор судланган Қодир Назаров ҳам фирибгар чиқиб қолди.

Қ. Назаров оқ-қорани танийдиган, 30 ёшни ҳоралаган бўлса-да, ҳанузгача ҳаётда тўғри йўлни танлай олмади. Бошқаларга ўхшаб ҳалол меҳнат қилиш ўрнига, осон пул топиш йўлидан юрди. Дастлаб, онаси орқали танишган Н. Салимованинг ўғли қармоғига илинди. Ахир, жарақ-жарақ пул келишини ваъда қилувчи бундай хўракка анойилар у ёқда турсин, эсли-ҳушли одам ҳам илиниши тайин эди. З. Салимов фирибгарнинг эски автомобилни олиб, таъмирлаб сотиш ва мўмай пул топиш ҳақидаги ёлғонларига чиппачин ишонди. Йўқса, Қ. Назаровга "Кемпинг" пайвандлаш ускунаси сотиб олиш учун берган 900 минг сўм ҳамда "ВАЗ-2102" машинаси учун берган бир миллион 500 минг сўм пулларининг даромадини кутмасдан, яна "ВАЗ-2106" машинаси учун 750 АҚШ долларини тутқазармиди?

Хуллас, бўлар иш бўлди. Пул тикилди. Энди, фақат фойда келишини кутиш керак. З. Салимов бу кунни кутавериб, тоқати-тоқ бўлди. "Хожатбарор"ни излаб, устахонасига борди. Кутилмаган ташрифдан довдираб қолган Қ. Назаров "Кўрқан олдин мушт кўтарар" қабилида жанжал бошлади. Ахир, яна нима қилсин, фирибгарлик билан ундирган пуллар аллақачон темир-терсакка айланган, бир қисми ошқозонида ҳазм бўлиб кетган...

Бундай жанжалдан сўнг, фойдадан умидини узган З. Салимов ҳеч бўлмаганда ўз пулларини қайтариб олиш учун чора қидирди. Сичқон пойлаган мушукдек Қ. Назаров ортидан изма-из юриш, қидириш билан машғул бўлди. Лекин, Қ. Назаровнинг: "Пулларингни йиғиб, қайтариб бераман" деган ваъдасини инобатга олмаса, на пулдан, на ўзидан дарак бўлди. Устомонлигини қарангки, бу орада З. Салимовнинг онасидан ҳам: "Беш-олти кунда қайтараман" деб, юз АҚШ долларини шилишга улгуribди. Доғда қолган она-бола ниҳоят, ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилишди.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг очиқ суд мажлисида жиноий иш кўриб чиқилди. Суд Қ. Назаровнинг хатти-ҳаракатларини, шунингдек, муқаддам икки марта судланганги, барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга бир йилу 10 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Одам ҳаёти давомида хато қилади, адашади. Баъзан ғўрлиги, уқувсизлиги сабабли янглишиши мумкин. Аммо, эс-ҳуши жойида одам хато ва камчиликларидан тўғри хулоса чиқариб, яхшиликка интилиши керакку?! Қ. Назаров эса, икки бор танбеҳ еса-да, яна қинғир йўлдан юриб, юзи шувут бўлди. Зеро, "Қилмишқидирмиш" деган халқ ҳикмати бежиз айтилмаган.

Ихтиёр АКБАРОВ,
Шайхонтоҳур туман прокуратураси катта терговчиси.

Эълонлар

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2015 йил 20 мартдаги 10-сонли Баённомаси қарори билан:

I. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан,

1.1 "IMKON OHANG ASL TRANS" масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000639 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилди.

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани СИБ томонидан Жиноий ишлар бўйича Ҳамза тумани судининг 06.01.2012 йилдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи - 1 673 820 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 9-уй, "Миробод бозори" ёнида жойлашган, умумий майдони 536,0 кв.м.дан иборат икки қаватли ва ертўладан иборат бўлган "Кўчмас мулк биноси (9-сонли офис, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси)" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2015 йилнинг 28 апрель куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "NIKA PRESS" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "NIKA PRESS" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Чилонзор тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 28.03.2013 йилда № 008714-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ZAYNIDDIN OMADLI SAVDO" (ИНН 301797226) МЧЖнинг устав жамғармаси 586 380 000 сўмдан 372 780 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99890) 805-41-00.

ООО "FAZO SEMURG' OSIYO" (ИНН 207133006) сообщает об уменьшении уставного фонда с 800 000 000 (восемьсот миллионов) сум до 600 000 000 (шестьсот миллионов) сум.

ДП "VERSAL CLASSIC" (ИНН 206735490) сообщает о преобразовании в СП "VERSAL CLASSIC" в форме ООО. Правопреемником по всем правам и обязательством ДП "VERSAL CLASSIC" является СП "VERSAL CLASSIC" в форме ООО. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Магазин Мавзук, дом 254.

Сергели тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 23.09.2013 йилда № 004031-06 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 3-мавзе, 4-уй, 70-хонадонда жойлашган "HELIMHON MOBILE" (ИНН 302712797) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (таъсисчининг 20.03.2015 йилдаги 2-сонли қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 3-мавзе, 4-уй, 70-хонадонда қабул қилинади.

ООО "FLOWERY FLY SERVICE" (ИНН 303034674), зарегистрированное ИРСП хокимията Мирабадского района г. Ташкента за реестр № 007169-03 от 22.08.2014 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Туркистон, дом 8 сообщает об уменьшении уставного фонда с 19 000 000 (девятнадцать миллионов) сум до 5 000 000 (пять миллионов) сум.

Бектемир тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 24.03.2011 йилда № 001009-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KUSHON MEBEL HAMKOR" (ИНН 301911978) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (корхона таъсисчисининг буйруғига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 326-80-40 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркор Кўчқарова Фарида Худойберди қизига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қашқадарё вилоятида рўйхатга олинган "Kristal Sof Biznes" МЧЖга 20.06.2014 йилдан 19.06.2015 йилгача муддатга берилган АТ 1461257-70/205 ОАА ҳамда АТ 1461258-70 1540 АА рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"АРМАН" хусусий дорихонасининг 1-сон шахобчасига 13.10.2006 йилда берилган П № 2612 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BUSTON" хусусий агрофирмасининг номи ҳамда мулкчилик шакли "YASMINA TAYORLOV SAVDO" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади. Телефон: (+99893) 590-54-54.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 22.01.2013 йилда № 006329-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "FAXR-DENTA-SERVIS" МЧЖнинг устав жамғармаси 28 451 724 сўмдан 8 500 000 сўмга камайишини маълум қилади.

«Тошкентпахтасаноат»

ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

пойтахт вилоятининг барча пахтакор-фермерларини, деҳқону боғбонларини янгиланиш фасли –

Наврўз айёми

билан муборакбод этади.

Эл-юрт фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкинлиги йўлидаги меҳнатингизга қут-барака, оилаларингизга меҳр-оқибат ёр бўлсин, азизлар!

Кўргазма

НАВРЎЗ – 2015

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида анъанавий "Наврўз – 2015" бадиий кўргазмаси очилди.

Экспонатларга таниқли ва ёш рассомлар ижодий ишларидан намуналар қўйилган. 250 дан ортиқ рангтасвир, графика, кичик ҳажмдаги ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати йўналишида ўзига хос усулда яратилган асарларда мамлакатимизнинг бетакрор табиати манзаралари, ноз-неъматлари, бир-биридан гўзал йил фасллари, беғубор болалик, нуронийлар сиймолари, турмуш тарзимизнинг айрим кўринишлари, тарихий ёдгорликлар, миллий қадриятларимиз ва бошқа қатор мавзулар акс этган.

Кўргазмадан, шунингдек, вилоятимизнинг турли ҳудудлари тасвирланган "Оқтош", "Оқтошда баҳор", "Оқтошда эрта баҳор", "Оқтошда кун ботиши", "Сўқоқ", "Сўқоқ. Баҳор", "Сўқоқ қўриқхонасида", "Хумсон", "Хумсонда баҳор", "Чорвоқ", "Ҳожикент", "Биринчи қор, Паркент", "Тоғлар нафаси. Катта Чимён" каби ихлосмандларда қизиқиш уйғотаётган 20 дан ортиқ асарлар ўрин олган.

Кўргазма намойиши 30 мартга қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ПЛИТАДАН ЎТ ЧИҚДИ

Нью-Йорк шаҳридаги тураржойлардан бирида содир бўлган ёнғин оқибатида етти бола ҳаётдан бевақт кўз юмгани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.

Қутқарув ҳамда шаҳар ёнғин хизматлари вакилларининг гапларига қараганда, қурбон бўлган болаларнинг ҳаммаси бир оила аъзоларидир. Воқеа гувоҳларининг ҳикоя қилишларича, аланга авж олган хонада 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар қолган. Уларнинг онаси ўзини қутқариш учун деразадан сакраган. Қутқариб қолишга муваффақ бўлинган 45 ёшли аёл ва 14 ёшли қиз шифохонага оғир аҳволда келтирилган.

Ёнғинни ўчиришда юздан зиёд махсус ўт ўчириш машиналари иштирок этди. Шаҳар ёнғин хизмати вакили Дэниэл Нигро ёнғин ўчирилмаган плитадан чиққан бўлиши мумкинлигини таҳлил қилмоқда.

ТЕХАС ҲАВОСИДА ЗАҲАРЛИ МЕТАНОЛ

Американинг Техас штати маъмурияти бошқа юклар қатори заҳарли метанол юкланган поезд таркибидаги 12 та вагон издан чиққани муносабати билан маҳаллий уйларда яшовчи аҳолини хавфсиз жойга кўчиришга мажбур бўлган.

Associated Press агентлигининг ёзишича, бурғулаш қувурлари ортилган еттита вагон ва метанолли бешта цистернанинг нима сабабдан издан чиқиб кетгани ҳозирча номаълум. Авария оқибатида бир нечта цистернадан метанол моддаси оқиб кетган. Шу сабаб воқеа жойидан 300 метр радиусдаги ўнлаб уйларда яшаётган аҳоли эвакуация қилинган. Бироқ, ҳозиргача заҳарли газдан зарарланганлар ҳақида маълумот берилмади.

Авария оқибатларини бартараф этишга қаратилган чоратадбирлар кучли ёғин сабабли қийин кечмоқда. Қутқарувчилар издан чиқиб кетган вагонлардаги юкларни тушириб олиш учун авария жойига етиб боролмаяптилар.

СИНГАПУРДА БИР ҲАФТАЛИК МОТАМ

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда мўъжиза яратган 91 ёшли Сингапурнинг биринчи бош вазири Ли Куан Ю вафот этгани муносабати билан бир ҳафталик умуммиллий мотам эълон қилинди.

29 мартгача давом этадиган мотам кунлари ҳамма ҳукумат биноларида давлат байроқлари тушириб қўйилади. 25 март куни Ли Куан Юнинг жасади парламент биносига келтирилиб, мамлакат фуқаролари уч кун давомида биринчи бош вазир билан хайрлашадилар.

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун: "Ли Куан Ю вафотидан чуқур қайғудаман", деди. АҚШ президенти Барак Обама Сингапурнинг биринчи бош вазирини: "Буюк тарихий сиймо", деб атаганини маълум қилди BBC News. Хитой раҳбарлари йўллаган таъзияномада ҳам Ли Куан Ю Осиёдаги ўзига хос давлат арбоби бўлганлиги таъкидланган.

Ли Куан Ю мамлакат ҳукуматини 1959 йилдан то 1990 йилгача бошқарди. Унинг раҳбарлиги даврида Сингапур Жануби-Шарқий Осиёда молиявий марказга айланди. Бош вазир бунга чет эл инвесторларини жалб этиш, коррупция ҳамда мафияга қарши курашиш, таълим соҳасига катта сармоялар киритиш орқали эришди.

БМТ ШТАБ-КВАРТИРАСИДА ЁНҒИН

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида ёнғин чиққанлиги, олов ўчоғи Бош Ассамблея жойлашган бинодаги совға-саломлар дўконларида бўлгани ҳақида хабар тарқатди ТАСС агентлиги.

Ёнғин чиққанидан сўнг орадан бир соат ўтиб, оловни пасайтиришга эришилган, ва ниҳоят, БМТнинг ёнғинга қарши хизмати ҳамда Нью-Йорк ёнғин бошқармаси ходимларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ўчирилган. Халқаро ташкилот матбуот хизмати вакили Ваннина Маэстраччининг агентликка маълум қилишича, электр тармоғидаги қисқа туташув ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлган.

Одатда, якшанба БМТ штаб-квартирасида дам олиш куни ҳисобланади. Бироқ, ўша куни Яман мамлакатидаги вазият сабабли Хавфсизлик Кенгаши шошилинч чақирган мажлис ёнғин чиқишидан бир неча соат илгари тугаган эди.

САЙЁҲ АКУЛА ҲУЖУМИ ҚУРБОНИ

Миср жанубидаги курорт шаҳарлардан бирида германиялик сайёҳ ваҳший акула ҳужуми қурбонига айланди.

Маълумотларга кўра, 52 ёшли киши акула етказган жароҳат туфайли кўп қон йўқотиб, ҳалок бўлган. Мамлакатда бундай воқеалар бўлиб туради. Жумладан, 2010 йилда ҳам сайёҳларга бир неча марта акула ҳужум қилганлиги қайд этилган. Хусусан, Шарм аш-Шайх соҳилида уч нафар россиялик ва бир украиналик фуқаро акула ҳужумидан сўнг ногирон бўлиб қолди, германиялик сайёҳ аёл эса вафот этди.

Олимлар акула нима учун одамларга ҳужум қилаётгани ҳақида турлича фикр билдирмоқдалар. Улар фақат бир нарсада ҳамфикрлар, яъни қандайдир аномал ҳолатлар акулаларни шундай хатти-ҳаракат қилишга мажбур этган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2469. Адади 16011. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.20.